

Қодирова Зухра Обидхон қизи
ТошДШИ 1-босқич таянч докторанти

“ҲАДОЙИҚ УС-СЕҲР ФИ ДАҚОЙИҚ УШ-ШЕЪР” АСАРИГА ЖАЛБ ЭТИЛГАН МИСОЛЛАР ВА УЛАРНИНГ МУАЛЛИФЛАРИ ҲАҚИДА

Аннотация. Рашидиддин Ватвот томонидан яратилган “Ҳадейиқ ус-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър” юксак савиядаги асар бўлиб, ундан кейин илми бадеъ билан машғул бўлган барча муаллифлар айнан шу асардан фойдаланганлар. Асар кейинги давр шоир ва адабиёт олимларига қўлланма сифатида хизмат қилган.

Мақолада “Ҳадейиқ ус-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър” асарида келтирилган санъатларнинг мисоллари ва уларнинг муаллифлари ҳақида сўз юритилган. Асарда келтирилган мисолларда Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар асосий мисоллар ҳисобланади. Ундан ташқари кўплаб араб ва форс шоирларининг ижодларига тегишли кўплаб мисоллар ушбу асардан жой олган.

Таянч сўз ва иборалар: Қурони карим, ҳадис, адабий санъатлар, поэтик асар, бадийят.

Аннотация. «Сады волшебства в тонкостях поэзии» Рашидиддина Ватвата - произведение высокого качества, за которым следуют все авторы научной бадий. Книга послужила руководством для последующих поэтов и исследователей литературы.

В статье приводятся примеры изобразительного искусства, представленные в книге «Сады волшебства в тонкостях поэзии» и их авторов. В работе приводятся примеры Священного Корана и хадисов. Кроме того, есть многочисленные примеры работ многих арабских и персидских поэтов.

Опорные слова и выражения: Священный Коран, хадис, литературное искусство, поэтическая работа, художественность.

Abstract. “Gardens of Magic in the intricacies of poetry” by Rashididdin Vatvat is a high-quality work, followed by all authors of the scientific body. The book served as a guide for subsequent poets and literature scholars.

The article provides examples of fine art presented in the book “Gardens of Magic in the intricacies of poetry” and their authors. The work provides examples of the Holy Quran and Hadith. In addition, there are numerous examples of the work of many Arab and Persian poets.

Keywords and expressions: Qu’ran, hadith, art, poetic work, artistry.

Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадоийқ ус-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър” асари XII асрнинг энг аҳамиятга молик форс адабиётшунослиги ҳақидаги фикрлари жамланган асарларидан бири эди. Илми бадеънинг форсийзабон анъаналарини бошланишини Родуёний ва Ватвотларнинг асарлари бошлаб берди ва бу илм келажакда янада ривожланиб борди. Кейинги асрларда шеърят ҳақидаги барча илм мажмуаларни ўзида мужассам этган асарлар пайдо бўлди.

Рашидиддин Ватвотнинг “Ҳадоийқ ус-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър” асари аруз илмидаги адабий санъатларга бағишланган бўлиб, уларни изоҳлашда кўплаб мисоллардан фойдаланилган.

Асарга танланган мисолларнинг бирортаси тасодифий бўлган эмас. Биз буни асарда жалб этилган адибларнинг номидан ҳам кузатишимиз мумкин. Бу номларнинг орасида кимлар бор, буни санаш керак. Демак, буларнинг орасида шоирлиги, носирлиги ва турли жанрлардаги ижоди билан машҳур бўлган адиблар бор.

Мисол танлашда ўша олдинги поэтик асарлардаги мавжуд анъаналарга имкони борича риоя қилишга ҳаракат қилинган. Натижада, мисоллар, албатта, биринчи навбатда Қуръони каримдан, ҳадиси шарифлардан ана ундан кейингина бошқа адиблар асарларидан олинган ва ўша мисолларга агар шоирнинг ўзи, ижодкорнинг ўзи қаноат ҳосил қилмаса ёки ўша мисолни топиш қийин бўлса, унда ўз ижоди билан буни намунасида кўрсатишга ҳаракат қилинган. Адиблардан олинган мисолларда айрим адиблардан олинган мисолларнинг сони анча кўп. Бу, биринчи навбатда шу адибнинг ўша бадиий ижоддаги ўрни ва аҳамияти билан, иккинчи жиҳатдан у ёзган асарларнинг, ўша асардаги намуналарнинг айнан шу поэтик жиҳатдан кўзда тутилаётган маъно ва мазмунга уйғунлиги нуқтаи назари билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам *Рудакий*даги мисолларнинг сони тўртта, *Мутанаббий*даги мисолларнинг сони йигирма учта. Энди баъзи бир ҳодисалар борки, булар ҳар қандай адибда учрайвермайди. Шунинг учун ҳам бундай ҳолатларда, у кўпроқ мана шу назарий муаммога мос келадиган адибни излайди ва ўшани ижодидаги мисолни жалб этишга ҳаракат қилади. Бунинг мисолини биз қуйидаги ижодкорларда кўришимиз мумкин: *Маъаз ибн Жабал*, *Амр ибн ал-Ас*, *Ҳасан ал-Басрий*, *Ан-Набига аз-Зубайний*, *Аббос ибн Абдул Мутталиб*, *Башар ибн Бурд*, *Нуқотий*, *Баддиуззамон Ҳамадоний*, *Шибл ад-Даула* кабиларнинг ижодидан бир марта олинган мисоллар тасодифий эмас. Буларнинг бош сабаби айнан мана шу санъатнинг қийинлиги билан ва бу қийин талабларга жавоб беришда ҳар қандай шоирнинг асари мос ва муносиб бўла олмаслиги билан изоҳланади. Ана энди бундан бошқа бир ҳолатларда адибнинг ўзидан келтирилган мисоллар ҳам бор.

Асарда келтирилган мисолларда Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар асосий мисоллар ҳисобланади. Рашидиддин Ватвот ўн тўртта санъатни

ифодалашда Қуръони каримдан, ўн иккита санъатни ифодалашда Ҳадиси шарифдан фойдаланган. Қуйида уларни жадвал кўринишида бердик:

| Рисоладаги санъатларнинг жойлашув рақами | Санъат номлари | Қуръони каримдан келган мисолларнинг сони | Ҳадиси шарифдан келган мисолларнинг сони |
|--|--------------------------------|---|--|
| 1 | Тарсеъ | 2 | 1 |
| 3 | Тажнис | 2 | 4 |
| 4 | Иштиқоқ | 10 | 3 |
| 5 | Сажъ | 3 | 1 |
| 6 | Мақлуб | 2 | 1 |
| 7 | Радд ал-ъажуз | 7 | 1 |
| 8 | Мутададд | 4 | 2 |
| 9 | Инъат (ёки лузум ма ла йалзам) | 1 | - |
| 10 | Тазмин ал-муздавиж | 1 | 2 |
| 11 | Истиъора | 3 | 1 |
| 20 | Илтифот | 4 | 5 |
| 22 | Ташбиҳ | 6 | 2 |
| 24 | Тансиқ ас-сифот | 3 | 2 |
| 30 | Тажохули ориф | 1 | - |

Қуръони карим ва ҳадислардан ташқари “Ҳадоийқ ус-сехр”да араб муаллифларига тегишли мисоллар кам. Ватвот қуйидаги муаллифларга мурожаат қилади:

Маъаз ибн Жабал (вафоти 640 й.), ансорийлардан Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг саҳобаларидан бири, Яманда исломни тарғиб қилган – 1 та мисол.

1) *Али ибн Абу Толиб* (вафоти 661 й.), Хулафойи Рошидиннинг тўртинчиси – 2 та мисол.

2) *Амр ибн ал-Ас* (вафоти 663 й.), Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг издоши, машҳур кўмондон – 1 та мисол.

3) *Ҳасан ал-Басрий* (624–728), зоҳид ва воиз, тақводорлиги ва моҳир нотиклиги билан машҳур, мўътазилийларга яқин бўлган – 1 та мисол.

4) *Сукайна* (вафоти 735 й.), Алининг ўғли Ҳусайннинг қизи – 1 та мисол.

5) *Восил ибн Ато ал-Ғаззол* (699–748), муталзилия оқимининг асосчиларидан бири, Ҳасан Басрийнинг дўсти – 1 та мисол.

6) *Абу Мансур ас-Саъолибий ан-Нишопурий* (962–1037), таниқли тилшунос, “Ятимат ут-даҳр” асари муаллифи – 1 та мисол.

7) *Наср ибн ал-Хасан ал-Марғиноний* (вафоти 1055 й.), илми бадеъ назариётчиси, Родуёний ва Ватвотга ижодига кучли таъсир кўрсатган – 2 та мисол.

8) *Абу Муҳаммад ал-Қосим ал-Ҳаририй* (1054–1122), мураккаб безак услуби билан ажралиб туруви мақом муаллифи – 4 та мисол.

9) *Абул Ҳасан Ахвазий*, шоир ва котиб, Саъолибийнинг замондоши – 1 та мисол.

10) *Касвара ибн Муҳаммад ибн Шир* – 1 та мисол.

Исломгача бўлган ва исломдан олдинги шоирлар:

1) *Имрул Қайс* (500–540) зодагонлардан бўлиб, араб анъанасига кўра барча ўзига хос жиҳатларга эга бўлган қасиданинг яратувчиси ҳисобланади, у ўз муаллақасини маҳбубаси Унейза билан учрашувга бағишлаб ёзган, – 2 та мисол.

2) *Ан-Набига аз-Зубайний* (535–604), у араб шеърятдаги биринчи шоир ҳисобланади. Араблар ан-Набигани сиёсий лириканинг асосчиларидан бири деб ҳам ҳисоблайдилар, – 1 та мисол.

3) *Зухайр ибн Абу Сулма* (530–627), типик бадавий шоир, у ўз муъаллақасида урушни ва қабилани урушга тортганларни қоралайди, тинчликка риоя этишга ва ёмонликни унутишга чақиради, – 1 та мисол.

4) *Аббос ибн Абдул Мутталиб* (вафоти 653), – 1 та мисол.

5) *Лабид ибн Робиъа* (560–661), муаллақлардан бирининг муаллифи – 1 та мисол.

6) *Ан-Набига ал-Жожий* (вафоти 684), Лахмидларнинг сарой шоири – 2 та мисол.

Умавийлар даври шоирлари:

7) *Мажнун* (Қайс ибн ал-Малаувах, вафоти тахминан 700 й.), узритлик йўналиши лирик шеърят вакили, ярим афсонавий шахс – 1 та мисол.

8) *Жамил* (вафоти тахминан 701 й.), у ҳам узритлик йўналиши лирик шеърят вакили – 1 та мисол.

9) *Қусаййир* (вафоти 723 й.), узритлик йўналиши шоири, Жамилнинг ровийси, шунингдек, панигерик (маддох) ёзувчи – 1 та мисол.

10) *Жарирни* (653–733), араб танқидчилиги умавийлар шеърий учлигининг энг истеъдодли вакили ал-Фараздакнинг адабий рақиби деб ҳисоблайди, у ўз мадҳияларини турли шахсларга – умавийлар халифалари ва уларнинг яқинлари, халифанинг Ироқдаги ноиб ал-Хажжож кабиларга бағишлаган, – 2 та мисол.

11) *Ал-Уқайшир* (VII–VIII асрлар оралиғи), Жарирнинг рақиби – 1 та мисол.

12) *Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр ал-Асадий*, Умавийлар даври шоири, – 1 та мисол.

Аббосийлар даври шоирлари:

13) *Башиар ибн Бурд* (696–783), Аббосийлар давридан олдинги машхур шоир, келиб чиқиши форс, *шуъ убиййа* (янгилашиш ҳаракати) асосчиларидан бири, у барча катта-кичик шахсларга бағишлаган мадҳияларида ҳам шеърий ўлчамда шоир одатда мадҳиялар учун оғир тавилдан фойдаланган, ҳам мазмун-моҳиятда қадимги араб шеърияти қонунларига қатъий амал қилган, – 1 та мисол.

14) *Абу Таммом* (788–845), таниқли шоир ва тилшунос, унинг бизгача етиб келган тазкиралари орасида машхури “Китаб ал-Хамаса”, у қадимги шеъриятга, биринчи навбатда ўзининг севимли шоири Зуҳайрга тақлид қилиб, нотиклик санъатига қизиққан, архаизмлар, эн мураккаб тил шаклларида фойдаланган, – 2 та мисол.

15) *Абу Муҳаммад ал-Йазидий* (VIII аср охири IX аср боши) – 1 та мисол.

16) *Ал-Бухтурий* (820–897), панегирик шоир, у мактов қасидаларидан ташқари васф жанрида ҳам бир қатор ажойиб асарлар яратган. Абу Таммомнинг шогирди, “Ал-Хамас” деб номланувчи иккинчи антологиянинг муаллифи – 1 та мисол.

17) *Ауф ибн Мухаллим ал-Хузаъи* (IX аср иккинчи ярми) панегирик шоир, Тоҳирийлар сулоласидан Абдуллоҳ ибн Тоҳирнинг (844–898) дўсти – 1 та мисол.

18) *Абдуллоҳ ибн ал-Муътаз* (861–908), “бир кунлик халифа” шоир ва тилшунос, *илми бадеъ* назариясининг асосчиси – 1 та мисол.

19) *Абу Ахмад Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Тоҳир* (838–913), Аббосийлар сулоласининг сўнги амири, Тоҳирийлар таниқли шоир – 1 та мисол.

20) *Аббос ал-Хаййат* (IX аср), Аббосийлар даври панегирик шоири – 1 та мисол.

Халифаликнинг парчаланиш давридаги шоирлар (X–XII асрлар):

21) *Мутанаббий* (915–965), XI–XII асрларда форс шеъриятига жиддий таъсир кўрсатган энг йирик араб шоирларидан бири, биографларнинг далолат беришича, шоир Сайф ад-Давланинг яқин дўсти бўлган ва унинг Византияга ҳамда бадавий кўчманчиларга қарши юришларида унга ҳамроҳлик қилган, – 25 та мисол.

22) *Абу Фирас ал-Ҳамадоний* (932–968), Сайф ад-Давланинг қариндоши, унинг ишқий шеърияти муҳаббат диалоги ёки кечинмалари тасвирланган қисқа шеърлар шаклидадир, – 6 та мисол.

- 23) *Абу Усмон Халидий* (вафоти 980–981), Сайф ад-Даула доирасидан эди, кейинчалик Буидлар – 1 та мисол.
- 24) *Сарри ар-Раффа ал-Моусили* (вафоти 972), Сайф ад-Даула доирасидан – 2 та мисол.
- 25) *Абул Фараж Ваво ад-Дамашқий* (вафоти 980) – 1 та мисол.
- 26) *Исмоил Соҳиб ибни Аббод Талиқоний* (938–995), Зулкифоятайдан кейин бўлган вазир, шоир, олим ва давлат арбоби. У етти жилддан иборат луғат тузган. Бундан ташқари у аруз илми ҳақида ва бошқа соҳаларда китоблар таълиф этган. Уларнинг сони ўн саккиз жилд бўлиб, номлари Ёқут Ҳамавийнинг “Муъжам ул-Удабо” асарида ва бошқа манбаларда келтирилган – 3 та мисол.
- 27) *Нуқотий* (992 йил ҳаёт эди), шоир ва адабиётшунос – 1 та мисол.
- 28) *Муаммил Котиб* (вафоти 999), Хуросонлик шоир ва котиб – 1 та мисол.
- 29) *Баддиуззамон Ҳамадоний*. Абулфазл Аҳмад ибн Хусайн Баддиуззамон Ҳамадоний 969 йилда туғилган. У кўп шаҳарлар кезиб 1007 йили Ҳиротда вафот этган. Унинг эллик бир мақомаси сақланиб қолган. Бу мақомаларнинг асосий қаҳрамони Исо ибни Ҳишом номли савдогар ва Абулфатҳ Искандарий деган қаландардир, – 1 та мисол.
- 30) *Абул Фатҳ Бустий* (вафоти 1010), форс шоири, ҳам форс ҳам араб тилида ёзган – 4 та мисол.
- 31) *Абул Фараж Ҳинду* (вафоти 1019 ёки 1029 й.), машҳур олим ва шоир, Соҳиб ибн Аббод доирасига яқин бўлган – 1 та мисол.
- 32) *Абу Мансур ас-Саъолибий ал-Нишопурий* (961–1037), шоир ва тилшунос, “Йатимат ут-дахр” асарининг муаллифи – 1 та мисол.
- 33) *Абу Саъд Рустамий*, X–XI асрлар оралиғидаги Нишопурлик шоир – 1 та мисол.
- 34) *Мансур Ҳиравий* (вафоти 1048–49) шоир – 1 та мисол.
- 35) *Абул Ала ал-Маъаррий* (979–1057), машҳур араб шоири ва мутафаккири – 1 та мисол.
- 36) *Али ибн Хасан Бахарзий* (вафоти 1074), шоир ва тилшунос, “Думят ал-каср” асари муаллифи – 1 та мисол.
- 37) *Яхё ибн Саъид*, олим ва шоир Низом ал-Мулк ва Бахарзийлар замондоши – 2 та мисол.
- 38) *Файёз – Аббос Иқбол* – 1 та мисол.
- 39) *Абул Маъолий Шопур* (вафоти 1092), Ғазнавийлар панегирист шоири – 2 та мисол.
- 40) *Абу Бакр Куҳистоний*, шоир ва адабиётшунос, Султон Махмуд ва ўғилларининг сарой шоири – 2 та мисол.

41) *Наср ибн ал-Хасан ал-Марғиноний* (вафоти 1055й.), – 4 та мисол.

42) *Абул Музаффар Муҳаммад ибн Ахмад Абивардий* (вафоти 1113 й.) – 2 та мисол.

43) *Масъуд Саъд Салмон* (вафоти 1121 й.), форс шоири, ҳам форс ҳам араб тилида ижод қилган, – 3 та мисол.

44) *Абу Муҳаммад ал-Қосим ал-Харирий* (1054–1122), – 7 та мисол.

45) *Абу Исҳоқ Иброхим ал-Ғозий* (вафоти 1130 й.) – 2 та мисол.

46) *Фахр Хоразм Абул Қосим аз-Замахирий* (1075–1144), катта олим, нахвчи, 2 та мисол.

47) *Шибл ад-Даула*, XI асрнинг иккинчи ярми машҳур араб шоири, бир қанча вақт давомида Низом ал-Мулк хизматида бўлган. Низом ал-Мулкнинг вафотидан сўнг Кирмонга вазир Мукарам ибн ал-Ала ёнига қайтади, учрашувда “Ҳадойиқ ус-сеҳр”да тасвирланган воқеа содир бўлади – 1 та мисол.

Маълумотлари топилмаган шоирлар:

48) Адиб Турк – 4 та мисол.

Рудакий ва унинг замондошлари:

1) *Абу Абдуллоҳ Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ибн Одам Рудакий*, “Шоирларнинг Одам атоси” номи билан аталган – ўрта асрлар форс-тожик шеърятининг асосчиси, уйғониш даври шоирларининг раҳнамоси, у тахминан 860 йилларда Рудак (ҳозирги Панжруд, Тожикистоннинг Панжикент тумани) қишлоғида дунёга келган ва 941 йилда шу жойда вафот этган. Бухорода Сомонийларнинг сарой шоири бўлган – 4 та мисол.

2) *Абу Мансур Муҳаммад ибни Аҳмад Дақиқий*, Сомонийлар шоири Дақиқийни тазкиранавислар Марвазий, Самарқандий, Тусий деб юритадилар. Абу Райҳон Беруний эса унга Балхий нисбасини беради. Бироқ кўрпоқ Тусий деб атайдилар, – 1 та мисол.

3) *Абу Шукур Балхий*, 915 йилларда туғилган бу шоир сомонийлар даври ўрталарида, яъни 934–954 йилларда ҳукмронлик қилган Нуҳ ибн Наср саройида яшаган ва маснавийнависликда биринчилардан ҳисобланган. Абу Шукур Балхийнинг 946 йилда ёзиб тугалланган “Офариннома” асари ҳақида маълумотлар бор – 1 та мисол.

4) *Мансур ибн Али Мантиқий Розий* (вафоти 997 й.), Буидларнинг вазири Соҳиб ибн Аббаднинг панегирист шоири бўлган. Унинг шеърларидан фақат бир нечта қаторигина сақланиб қолган, – 3 та мисол.

5) *Абу Қосим Зайд ибн Муҳаммад Қамарий Гургоний*, (X аср), Қобус бин Вушагир Зийориднинг сарой шоирларидан бири бўлган, унинг шеърларидан бир қанча байтлар сақланиб қолган холос, - 4 та мисол.

6) *Абул Фатх Бустий*, - X асрнинг зуллисонайн шоири (вафоти 1010), форс тилидан араб тилига кўплаб таржималар қилган (масалан, Абу Шукур Балхийнинг “Офариннома” асарини таржима қилган), - 1 та мисол.

7) *Мунжик Тирмизий* (XI аср), Амир Абу Музаффар Чағонийнинг панегирист сарой шоири бўлиб, ўзининг сатиралари билан машхур бўлган. шоирнинг “Девони” сақланиб қолмаган, – 4 та мисол.

8) *Абу Бақр Муҳаммад бин Али Хусравий*, Зиёрийлар шоири Хусравий Серахсда туғилган (вафоти 993 йилгача). Унинг ижодидан бир юзи беш байт шеър сақланиб қолган. Хусравийнинг Қобусга, Соҳиб ибн Аббодга ва бошқаларга аталган қасидалари бор, – 1 та мисол.

Ғазалшунос шоирлар доираси:

9) *Абул Қосим ибн Аҳмад Унсурий Балхий*. У тахминан 970–980 йиллар орасида туғилган. Вафоти эса 431 ҳижрий, 1039–1040 мелодий йилга тўғри келади. Унинг ҳёти ҳақида маълумотлар жуда оз. Уни Балхлик деб гумон қиладилар. Унсурийнинг ижодий камолоти Султон Маҳмуд даврига тўғри келади, – 17 та мисол.

10) *Абулҳасан Али ибни Жулуз Фаррухий*. 1037–38 йилларда вафот этган. Сейстондан чиққан бу шоир деҳқончилик билан шуғулланган, сўнг Чағониён (Сурхондарё)га келган. Абулмузаффар Чағоний саройида, хизмат қилган. Сўнг Ғазнага келиб, умрининг охиригача ғазнавийлар саройида шоирлик қилган, – 5 та мисол.

11) *Абунажм Аҳмад ибн Аҳмад Манучехрий Домгоний* вафотини олимлар 432 ҳижрий, яъни 1039–1040 мелодий йиллар тахмин қиладилар. Тахаллуси Зиёрий амирларидан Манучехр ибни Ковус номидан олинган бўлиб, унинг саройида хизмат қилган бўлиши мумкин, – 2 та мисол.

12) *Абу Зайд Муҳаммад ибн Али Ғазойирий Розий*. Қасидагўй бу шоирни (вафоти 1034) ишқ куйчиси деса бўлади. У бувайҳийлар саройи шоири бўла туриб Маҳмуд Ғазнавийга бағишлаб қасидалар юборган ва ундан катта мукофотлар олганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд, – 2 та мисол.

13) *Маъсуд Розий* – Ғазнавийлар саройининг машхур шоири, 1039 йилда бир қасидасида Султон Маъсудга маслаҳат бергани учун Ҳиндстонга қувғин қилинган – 1 та мисол.

14) *Алавий Зайнабий* – Алавий Зийнатий номи билан машхур, Унсурийнинг ўрнини эгаллаган Маъсуд Ғазнавийнинг сеvimли шоири – 2 та мисол.

15) *Абу Назар бинни Мансур Асжадий* Марвдан чиққан бўлиб, 432 (1040) йилда вафот этган. Асжадий Унсурий ва Фаррухийлар замондошигина бўлиб қолмай, балки улар билан ҳамкор ва сафдош бўлган. Унинг девони уч минг байтдан иборат бўлган, – 1 та мисол.

16) *Амир Али Юзтегин* – Масуд султоннинг иккинчи сарой шоир – 1 та мисол.

17) *Масуд Саъд Салмон*. Ҳиндистондаги форсийзабон адабиёт асосчиларидан бири бўлган бу шоир Лахўрда 1046–1049 йиллар орасида дунёга келиб, 1121 йили вафол этган. Шоир ҳаёти сарой сиёсати ва Лахўр ҳукмдорлари билан боғлиқ ҳолда ўтган, – 10 та мисол.

18) *Абул Фараж Руний*. Лахўр ёнидаги Руна деган жойдан чиққан бўлиб, вафоти 1116 йил. Туғилган йили эса номаълум. Унинг отаси Маъсуди Розий ҳам шоир бўлган. Аввал Хуросонда яшаб, сўнг Ҳиндистонга кўчган, – 3 та мисол.

XI асрнинг бошқа шоирлари:

19) *Қатрон Табризий*. Шоир 1010 йилларда Табриз яқинидаги Шодиобод деган жойда туғилган. У 1070 йилда вафот этган. Қатрон Озарбайжондан бошқа ҳеч ерга чиқмаган деган фикрлар мавжуд. Бироқ унинг ҳаёти ҳақида ишонарли маълумот йўқ, – 4 та мисол.

20) *Ҳусайн ибн Иброҳим Натанзий* – Натанздан унчалик машҳур бўлмаган шоир (XI аср). Араб-форс тили луғати муаллифи. Исфahонда яшаган (вафоти 1108) – 1 та мисол.

21) *Камолий Бухороий* – Бухоролик шоир (XI аср) – 3 та мисол.

22) *Абул Ала Шуштарий* – 2 та мисол.

23) *Муҳаммад ибн Абда* – Буғраҳоннинг шоир ва котиби (вафоти 1033–1043 йиллар атрофида) – 1 та мисол.

XI–XII аср шоирлари:

24) *Асадий Тусий*. Озарбайжонда яшаб ижод этган бу шоир тахминан 1005–1019 йиллар орасида Тусда туғилган. Ўспиринлигида Кавказорти томонга кетган ва ҳаётининг кўп қисмини Озарбайжонда ўтказган. Бизгача етиб келган энг қадимий қўлёзма китоблардан бири доришунослик бўйича 1056 йилда битилган китобидир, – 1 та мисол.

25) *Абу Нажиб Шаҳобиддин Амъак Бухороий* – Мавороуннаҳрда Қорахонийлар сарой шоири, Тамғонхоннинг ўғли Хизрхоннинг сарой шоирлари бошлиғи – 2 та мисол.

26) *Абул Маълий Розий* – Ғиёсиддин Маъсуд ибн Малишоҳ Салжуқийлар саройининг панегирист шоири – 3 та мисол.

27) *Муъиззий*. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибни Абдулмалик Нишопурий 1049 йилда Нишопурда туғилиб, 1126 йилда вафот этган. У ёшлигиданоқ шоирлик истуъдодини намоён этади, – 8 та мисол.

28) *Анварий*. Авҳадиддин Али ибни Муҳаммад ибни Исҳоқ Анварий Хуросондаги Абивард деган жойда 1126 йилда туғилиб, тахминан 1190

йилларда Балхда вафот этган. Анварий форс-тожик адабиётида улуғ мавқега эга бўлиб, қасида устаси бўлган, – 1 та мисол.

29) *Абу Наср Шодий* – шахси аниқланмаган – 1 та мисол.

Асарда Рашидиддин Ватвот ўз ижодидан – 76 та мисол келтирган. Буларнинг ҳаммаси мазкур асарга фақат адабиётшуносликнинггина эмас, балки шарқ адабиёти тарихининг ҳам нодир намунаси сифатида баҳолаш имконини беради.

Рашидиддин Ватвот адабиётшуносликнинг назарий муаммоларини ҳамда амалий масалаларни яхлит бир тизимга солиш билан кўпчиликнинг эътиборини қозонди. У форс адабиётшунослигида шеърий санъатларнинг номланиши, моҳияти ҳамда амалий намуналарини тизимли равишда кўрсатиб беришда устози комилдир. Унда умумий ҳолатда олтмиш иккита санъатларнинг тавсифи берилган.

Бу тавсифларда ҳодиса моҳиятининг аниқлиги унинг бошқа ҳодисалар билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини эътибор қаратилиши устувор мавқе тутади. Муаллиф танлаган мисоллар унинг ҳам шоир ҳам олим сифатидаги салоҳиятини жуда ёрқин тарзда кўрсатиб бера олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Авфий Муҳаммад. Лубоб аб-албоб. – Т.: Техрон университети, 1335. – Б. 54.
2. Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. – Л.: Лондон университети, 1901. – Б. 85-86.
3. Низомий Арузи Самарқандий. Чахор мақола. – Т.: Техрон университети, 1341. – Б. 74-75.
4. Шамс Қайс Розий. Ал-Муъжам фи маойир ашъор ал-ажам. – Т.: Техрон университети, 1985. – Б. 41-42.
5. Атеш А. Муҳаммад Умар Родуёний. Таржумон ул-балоға. – И.: Истамбул университети, 1949. – Б. 329.
6. Носириддин Тусий. Меёр ал-ашъор. – Т.: Техрон университети, 1325. – Б. 42.
7. Таж ал-Халавий. Дақойиқ аш-шеър. – Т.: Техрон университети, 1962. – Б. 54.
8. Шарофиддин Рами Табризий. Ҳақойиқ ал-ҳадоийқ. – Т.: Техрон университети, 1962. – Б. 95.
9. Зеҳний Т. Санъати суҳан. – Д.: АКД, 1967. – С. 95.